Ушбу сонда:
2 *Миллат табиати* КЎЗДАН ОЛДИН ҚАЛБ КЎРАР
3 TV-ДАСТУРИ
4 ОНАЖОНИМ, СЕН ТУРОНИМ!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 31 июл, шанба № 104 (751)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## МУНОСИБ СОВҒА

*Навоий вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг янги ўқув йилида пухта билим олиши учун 4 миллион сўмлик дарсликлар келтирилди. Президентимиз Ислом Каримов асарлари, Ўзбекистон тарихига оид китоблар, ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётлар ҳамда қўлланмалар барча ўрта махсус ўқув юртларига тарқатилди.*

*Айни вақтда касб-ҳунар коллежларининг маънавият ва маърифат хоналари истиқлол йиллари давомида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларимизни акс эттирувчи турли расмлар, нашрлар, буюк алломаларимиз сиймолари туширилган суратлар билан таъминланди.*

## «УМИД» ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТЛАРИНИНГ СОҲИБЛАРИГА

**Азиз ўғил-қизларим!**

Аввало, сизларни энг тараққий топган давлатларнинг нуфузли университетларида таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритганингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Бу ютуққа ҳар бирингиз албатта машаққатли меҳнатингиз, ақл-заковат, қобилият ва мустаҳкам ирódангиз туфайли эришганингиз табиийдир.

Мен шундан беҳад хурсандманки, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк мутафаккир ва алломалар муқаддас заминимизга сочиб кетган илму маърифат уруғлари бугун сиз ва сизга ўхшаган ёшлар тимсолида яна ҳосил бермоқда.

Бутун дунё танийдиган бу улуғ зотларга муносиб ворис бўлиб, ўз қадриятларимизни улуғлаб, жаҳон илму фани ютуқларини чуқур ўзлаштирган ҳолда ўзликни намоён этиш, эл-улусга хизмат қилишдек эзгу мақсад билан яшаш - ҳар қайси инсон учун юксак бахтдир.

Қаерда бўлсангиз ҳам бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигингизни истардим: сизнинг меҳнатингиз, эришаётган ютуқларингиз, эртанги ҳаётингиз халқимизнинг, Ватанимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлади.

Меҳрибон ота-оналарингиз, ёру биродарларингиз, устоз муаллимларингиз, маҳалла-кўй, айниқса, қадрдон тенгдошларингиз сиз билан фахр этади, сизнинг йўлингизни кузатади ва она юртимизга қайтишингизни интизорлик билан кутади.

Шундай эътиборга доимо муносиб бўлинглар, азиз болаларим.

Бугун сизлар каби чет элларга билим ва тажриба ўрганиш учун кетаётганлар сони унчалик кўп эмас. Лекин мамлакатимиз бойиб, имкониятлари кенгайгани сари сизнинг сафларингиз ҳам кенгаяди, минг-минглаб ёшлар қаторингизга қўшилиб бораверади.

Бу орзу-умидларимиз албатта рўёбга чиқади, иншоолло.

Кўп қатори мен шунга ишонаманки, сизлар ўқишни тугатиб, Ватанимизга қайтгач, ўз билим ва салоҳиятингиз билан Ўзбекистон равнақи, XX1 асрда юртимизнинг тараққий топган давлатлар сафидан жой олиши, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб ҳисса қўшасизлар.

Азиз фарзандларим!

Барчангизни яна бир бор бағримга босиб, сизларга оқ йўл тилайман. Оллоҳ таоло сизларни ўз паноҳида асрасин, олижаноб интилишларингиз амалга ошишида боболаримизнинг руҳи мададкор бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Тошкентда Бош вазир ўринбосари, Макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б.Ҳамидов раислигида Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда биринчи ярим йилликдаги иш якунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 27 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқи асосида Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги органларининг вазифалари кўриб чиқилди.**

Ҳайъат мажлисида вазирлик бўлинмаларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва статистика вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаларининг бошлиқлари ҳамда уларнинг статистика бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

Бош вазир ўринбосари, Макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б.Ҳамидов вазирлик ва унинг ҳудудий органлари фаолиятини танқидий баҳолаб, мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан аниқ топшириқлар берди ва уларнинг олдига муайян вазифаларни қўйди. Бутун куч-ғайратни иқтисодий ислоҳотларни, ўзгартишларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги зиммасига юклатилган янги вазифаларни бажариш, кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш ишларини кучайтиришга доир дастурни ишлаб чиқишга йўналтириш зарурлигига алоҳида эътиборни қаратди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**






Мустақиллик йилларида Термиз шаҳри таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ўтган йили бу ерда 1.500 ўринли ёзги теннис мажмуи фойдаланишга топширилган эди. Айни кунларда эса замонавий ёпиқ теннис корти қурилиши изчил давом эттирилмоқда. Энг тажрибали қурувчилар сўнгги пардозлаш ишларини олиб боришмоқда. Бу айниқса вилоят ёшларига мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги олдидан муносиб совға бўлади.

**Суратларда: 1. Термиз шаҳрида қад ростлаган янги теннис корти. 2. Яқинда фойдаланишга топширилган Жиззах истироҳат боғига шу ердан кирилади.**

**И.ХЎЖАЕВ, Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

## Солижон Шарипов: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БУЮК ЎЗГАРИШЛАРДАН КЎНГЛИМ ТОҒДАЙ КЎТАРИЛАДИ

Кўкни кўзлаган кўкка етади, деган гап бор. Хўп топиб айтилган гап. Аслида инсон азалдан осмонга интилиб келган. Коинот тўғрисида у дастлаб оддий фараз ва мавҳум тушунчаларга эга эди. Бироқ сир-синоатга қизиқиш ва тинимсиз изланиш ўтиб бораётган асримизда техника мўъжизаларини яратди. Тараққиёт инсонга самони кашф этиши учун ҳам кенг йўл очди. Коинот тўғрисидаги фаразлар илмий йўналиш касб этиб, ниҳоят, асрлар оша яшаб келаётган улкан орзу ушалди. Инсон Она заминдан ташқарига - Коинотга парвоз қилди. Зафар қозонди.

Саноқли кишиларгина фазони «ишғол этганлар» сифатида йигирманчи аср тарихидан ўрин олади. Шундай кам сонлилар орасида ўзбек йигити ҳам бор. Бу - юксак шараф. Бу - нафақат Ўзбекистон, балки бутун Туронзамин учун катта фахр. Шарқ уйғониш даврининг буюк мутафаккири Абу Райҳон Беруний коинот ҳақидаги дастлабки илмий фаразларга асос солган эди. Кейинчалик Мирзо Улуғбек томонидан юлдузлар илми яратилди. Ўзбекистон истиқлолга эришган асрда эса ўзбек фазогири кўкка парвоз қилди.

1998 йилнинг 22 январида Американинг «Шатлл-Эндевер» фазовий кемасида олти нафар америкалик астронавт билан бирга самога парвоз қилган Солижон Шарипов ўзбек деган миллатни яна бир карра жаҳонга танитди. У коинотга Ўзбекистон байроғини ҳам олиб чиқди. Муваффақиятли парвоздан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан, Солижон Шарипов «Амир Темур» ордени билан мукофотланди. Президентимиз Ислом Каримов космонавтга табрик мактуби йўллади. «Сизнинг парвозингиз миллатимиз фахри ва ғururини, шуҳратини оширди», деган сатрлар бор эди мактубда. Бу - фазогир йигитнинг меҳнатига берилган улкан баҳо эди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган Фармонига биноан космонавт Солижон Шарипов «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. ЎзА мухбири Тошкентда меҳмон бўлиб турган космонавтдан қуйидаги интервьюни олди:

- Аввало, Ўзбекистондек буюк мамлакатнинг, Ватанимнинг яна бир юксак нишонига - «Буюк хизматлари учун» орденига муносиб кўргани учун Президентимиз Ислом Каримовдан, халқимиздан беҳад миннатдор эканлигимни таъкидламоқчиман. Шу боис Ўзбекистонга қараб юрагим талпинаверади. Бу - мен учун улкан бахт! Ҳар гал Ўзбекистонга келганимда кўнглим тоғдай кўтарилади. Тошкентдаги беқиёс ўзгаришларни, устозларимни, ёр-дўстларимни кўриб, бир ўзбек фарзанди сифатида жуда қувонаман. Менинг ҳам шу юртга, Ўзбекистонда бўлаётган ажойиб ўзгаришларга ҳиссам қўшилса, дейман.

Шу туфайли деярли ҳар йили ёзда Паркентдаги « Невич» қишлоғида жойлашган ёш космонавтлар халқаро мактабидаги машғулотларда қатнашиш менга катта завқ бағишлайди. Мактабда болалар билан бўладиган мулоқотлар, машғулотлар жуда қизиқарли ўтади. Уларнинг илмга, ўрганишга чанқоқлигини, зийраклигини кўриб бошим осмонга етади.

Биласизми, бундай мактаблар нафақат Ўрта Осиёда, балки бутун дунёда кам учрайдиган ҳодиса. Бу республикада Президент Ислом Каримов раҳбарлигида оқилона, узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсатнинг амалий натижасидир. Энг муҳими, юртимиз тинч, осойишта. Тинчлик, осойишталик бор жойда эса ҳар қандай эзгу ниятга эришиш мумкин.

Яқинда халқимиз мамлакатимизнинг мустақилликка эришганлигининг 8 йиллигини нишонлайди. Бу - тўйларимизнинг, байрамларимизнинг энг буюги. Мен барча юртдошларимни ана шу улуғ байрам билан қутлайман.

**Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ ёзиб олди. (ЎзА).**

## РАҒБАТ

Навоий номли хўжалик Китоб туманидаги кўп тармоқли жамоалардан бири. Мева-сабзавот ва узумчиликка ихтисослашган хўжалик миришкорлари айни ёз пишиқчилигида дастурхонимизни сархил мевалар билан тўкин қилиш учун астойдил ишламоқдалар.

Навоийликлар жорий йилда 900 тонна мева, 4485 тонна сабзавот, 2800 тонна узум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришни режалаштирганлар.

Ишлаб чиқаришда пешқадамлик қилаётган соҳибкорлар меҳнатини эъзозлаш хўжалик раҳбарияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси диққат марказида турибди.

Яқинда хўжаликнинг Боқи Жўраев раҳбарлик қилаётган сабзавотчилик бригадаси дала шийпонида ижарачилар, ишлаб чиқариш пешқадамлари тўпланишди. Хўжалик раҳбари Аҳрор Ҳамидов ишлаб чиқариш ғолибларини тақдирлаб, ишларига омад тилади. Шу куни 30 нафар ишчи-хизматчиларга қимматбаҳо совғалар улашилди.

— Мукофот - ҳар бир меҳнатчини янги ғалабаларга ундамоқда, - дейди хўжалик касабақўм раиси Қаҳҳор Розиқов.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## *«Ишонч» бонг уради*

### МАХФИЙ ЦЕХ

Поп туманидаги «Саодат-Зокир» хусусий фирмасининг ташкил этилганига беш йилдан ошиб қолди. Фирма раҳбари Зокиржон Азиммуродов шу туманнинг фуқароси; уч нафар фарзанднинг отаси. Олий маълумотли мутахассис.

Тадбиркорликнинг орқасидан Зокиржон тезда ўзини тутиб олди. Дастлабки хусусий фирмани ишга тушириб юборгач орадан бир йил ўтмай «Римма» деб номланган иккинчи фирмани рўйхатдан ўтказди. Ўтган йилнинг бошларида эса «Поп-шароб» фирмасини очишга рухсатнома олди.

Низом бўйича хусусий фирмаларнинг иккитаси маҳсулот ишлаб чиқариш билан, биттаси эса савдо билан шуғулланиши керак эди. Йўқ, фирмалар очилгач ҳаммаси фақат савдо билан шуғулланишга киришиб кетди. Барака олди-соттида экан деб Зокиржон қўлига илинган нарса билан фирмалар ихтиёридаги тўртта дўконни тўлдираверди. Бу ҳам етмаганидек, Халқабод шаҳарчасидаги омборда махфий вино қуйиш цехини ҳам очди. Буни фақат ўзи-ю, атрофидаги ҳамтовоқлари билишарди. Махфий цехнинг «довруғи» қачон вилоят ҳокимлигига ва солиқчилар қулоғига етиб борганини билолмай ҳозир Зокиржоннинг хуноби ошмоқда.

Солиқчилар махфий цехни кўздан кечириш учун келганларида омбор мудири Адҳам Умаров бино эшикларига қулф уриб қаёққадир ғойиб бўлганди.

— Бу ерда ҳеч қандай цех йўқ. Кимдир сизларни алдабди. Цех бўлса эшиклари очиқ турмасмиди, - деб Зокиржон солиқчиларни лақиллатмоқчи бўлди.

Солиқчилар синчков одамлар эмасми, бинонинг атрофини бир айланиб чиқишганида қулоқларига ичкаридан аёлларнинг ғўнғир-ғўнғир овози чалинди. Шундан кейин улар эшикни очишни талаб қилдилар.

Эшик очилиши билан ичкаридан шишаларга вино қуйиб, турли ёрлиқлар ёпиштириб ўтирган тўрт нафар аёл ва бир нафар эркакнинг қораси кўринди. Солиқчилар вино тўла шишаларни бир-бир санаб чиқдилар: 2413 дона экан. Винолар ёнида акциз маркасиз яна 121 шиша «Осиё»ароғи ҳам турарди. Бундан ташқари Наманган вино заводи илгари чиқарган «Ўзбекистон портвейни» виносининг 335 та ёрлиғи, Тошкент вино заводи ишлаб чиқараётган «Чашма», «Жасорат» виноларининг юзтача ёрлиғи, 1066 та шиша қопқоғи, сохта акциз маркалар ва ёрлиқларни ёпиштиришда ишлатиладиган ярим челак елим ҳам фойдаланишга шай турарди.

Солиқчилар ҳаммасини далилий ашё сифатида рўйхатга олдилар. Улар махфий цехда қўлбола вино ишлаб чиқариш тўла йўлга қўйиб юборилганлигини исботлаб турарди.

Вилоят санитария эпидемиология станцияси мутахассислари махфий цех маҳсулотларини таҳлил этганларида «Ўзбекистон портвейни» виноси қувват кўрсаткичи бўйича давлат андозасига жавоб беради. «Осиё» ароғи эса сивуш мойи кўплиги учун истеъмолга яроқсиз деб топилди.

Солиқчилар хусусий фирмага қарашли дўконларни кўздан кечириб яна кўпгина қонунбузарликларнинг гувоҳи бўлдилар. Улар 3-сонли дўконга киришганида сотувчи Х.Ғайбуллаев ҳужжатсиз ва сифат сертификатисиз ўн турдаги 539 шиша спиртли ва салқин ичимликларни уриб пуллаётган эди. Бу ичимликлар пулга чақилганида 124 минг сўмликни ташкил этди. Акциз маркасиз 15 дона «Барин» ароғи қаёқдан келиб қолганини сотувчи айтиб беролмади.

2-сонли дўконда эса сотувчилар мавжуд назорат касса машинасини ишлатишга эринишар эканми, савдодан тушган 10 минг 752 сўм назорат-касса машинасига кирим қилинмабди. 4-сонли дўконда эса умуман назорат-касса машинаси йўқ эди. Қоида бўйича бундай ҳолатда сотувчи махсус квитанцияни юритиши керак. Сотувчи Р.Азимов эса бундай қоидалардан мутлақо бехабар. Ҳатто унда савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ҳам йўқ экан... Шунга қарамай икки яшик акциз маркасиз «Ўзбекистон портвейни» виносини оғзига сиққан нархда пуллаб ўтирган эди. Бу винолар яширин цехнинг маҳсулотларига жуда ҳам ўхшаб кетарди.

Наманган вилояти солиқчилари текширув натижаларини тўла расмийлаштириб, жиноят иши қўзғатдилар. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Бу ҳолат қонунбузарлар учун аччиқ сабоқ бўлиши керак.

### ПУЛ ПОЕЗДНИ ҲАМ ТЎХТАТАДИ

Чиноз тумани солиқчилари кўп ўйлашди. Сотиш таъқиқланган маҳсулотлар туман бозорларига қаердан кириб келаяпти, уларнинг манбаи қаерда?

Ниҳоят тахминлари поездга келиб тақалди. «Москва-Тошкент» йўловчи ташиш поезди тунда Чиноз тумани ҳудудидаги «Йўлтушган» жамоа хўжалигининг «Қаҳрамон» бўлимида ёки «Дўстлик» жамоа хўжалиги ерларида 1-2 минут тўхтаб ўтишини эшитишганди. Чамаси шу пайтда қоп-қоп қуритилган сутлар, яшик-яшик акциз маркасиз сигаретлар, яна аллақанча таъқиқланган маҳсулотлар поезддан тушиб қолса керак.

— Бақувват-бақувват йигитлардан ўн нафарини тунги рейдга тайёрланг, - деди эрталабки мажлисда ўз муовинига юзланиб Чиноз тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Рустам Алимуҳамедов. - Бугун кечаси «Москва-Тошкент» йўловчи ташиш поездини кутиб оламиз.

Йигитлар шов-шувсиз мўлжалланган жойга етиб келганларида соат миллари 22.00 га яқинлашиб қолган эди. Олисдан поезднинг овози эшитилди. Йигитлар яна ҳам ҳушёр тортишди. Милтиллаб кўринган локомотив чироқлари тобора равшанлашаборди. Тезлик пасайди. Ниҳоят поезд «Йўлтушган» жамоа хўжалигининг «Қаҳрамон» бўлимига келиб тўхтади. Шу заҳоти вагонларнинг эшиклари зарб билан очилиб қоп ва яшиклар ерга ёмғир мисоли ёғила кетди. Уларнинг орқасидан тўда-тўда тижоратчилар кўринди. Поезд қандай секинлик билан тўхтаган бўлса шундай секинлик билан яна юриб кетди.

Вагон зиналаридан сакраб тушган тижоратчилар ўз юклари бошида турган солиқчиларни кўриб қотиб қолишди. Ўша куни поезддан ҳужжатсиз 850 килограмм шакар, 400 килограмм қуритилган сут, ҳар турдаги дори-дармонлар туширилганлиги маълум бўлди.

Эртасига рейд яна давом этди. Бу гал «Москва-Тошкент» йўловчи ташиш поезди тунда «Дўстлик» жамоа хўжалигидаги белгиланманган жойда бир дақиқа тўхтаб ўтди. Шу дақиқада тижоратчилар 515 дона биллур буюм, 1229 жуфт резина калиш, катта миқдорда осма қулфлар, турли хил дори-дармонларни поезддан тушириб олишга улгурдилар. Тадбиркорлик ва тижорат ишлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларсиз фаолият кўрсатаётган чинозлик «ишбилармон»ларни солиқчилар яхши таниб олишди. Ҳозирги кунда уларнинг шахсларини аниқламоқдалар.

- Пулингиз бўлса такси эмас, поездлар ҳам айтган жойингизда тўхтаб ўтади, - деди қўлга тушган тижоратчилардан бири. - 231 ва 232- поездларнинг ҳайдовчилари билан ака-укадекмиз. Ахир уларда ҳам бола-чақа бор...

Бола-чақа бор экан-у, лекин виждон йўқ экан. Виждон бўлганида арзимаган садақа учун ҳаракат жадвалини қўпол равишда бузмаган бўлардилар.

**Ж. НОСИРОВ.**

**«Эркингни эл орасидан изла», «Яхшидан боғ қолади», «Қуёш қораймас, олтин зангламас» каби ҳикматли сўзлар, макол ва маталлар халкимиз хазинасидир. Улардан одамзотнинг яшашдан максади нима, ҳалоллик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, эзгулик, саховатпешалик, меҳр-оқибат туйғулари ўзида кандай куч-кудратни зоҳир этган сингари мураккаб саволларга мантиқий жавоб топишингиз мумкин.**

*Миллат табиати*

# КЎЗДАН ОЛДИН ҚАЛБ КЎРАР

**Фахрия**

Мақоллар, ҳикматли сўзлар ҳаётдан олиниб, яна ҳаётга қайтарилади. Уларда тараннум этилган инсонпарварлик, ватанпарварлик, эътиқод даражасига кўтарилган одамийлик каби хусусиятлар минг йиллардан буён такомиллашиб келаётган бебаҳо туйғулардир. Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳам ўз даврида дўсти Ҳусайн Бойқарони қайта-қайта инсонпарварликка даъват этгани бежиз эмасди. Чунки у ана шу туйғуни кўнглига жо қилолган шахсгина халқнинг куч-қудратини улкан ишларга сафарбар қила олиши, мамлакатда тинчлик-осойишталик ҳукм суриши мумкин, деган хулосага келган.

Бобокалонимиз инсонпарварлик ғояларини нафақат ўзининг шоҳ асарларида тараннум этди, балки бу олижаноб эзгу ишда шахсий намуна ҳам кўрсатди. Чунончи, кўпгина мадраса, мачитлар, шифохоналар, ҳаммомлар, кўприклар, работлар ва жами мингта иншоотни ўз ҳисобидан қурдиргани унинг инсонийлик бурчини беназир ўтаганидан далолат эмасми? Ёш кўздан эмас, юракдан чиқар деганларидек, аллома шоиримиз ҳам ўз халқининг ташвиши, дардига малҳам бўлишни ҳамма нарсадан юқори қўйгани ҳаммамиз учун мактабдир.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг бутун умр бўйи «Куч адолатдадир» ғоясининг амалийлигини таъминлашга қаратилган серқирра фаолиятини ҳам юқоридаги фикр исботи учун келтириш ўринлидир. Буюк Темур қаерда ва кимлар билан жангга киришмасин, биринчи навбатда ўз она-юрти Кеш, Мовароуннаҳр кўз ўнгида турди. Унинг шаъни-шавкати, истиқболи, халқининг саодати, бахтини ўйлаб иш юритди. Ҳатто улуғ бобомиздан ёдгорлик сифатида ҳозирги кунларимизгача етиб келган улкан қурилиш иншоотлари, унинг чуқур салоҳияти ватанпарварлик ғоясини муқаддас Қуръони карим суръаларидек улуғлашга сафарбар этилганини кўришимиз мумкин.

Аждодларимиз орасида оғиздан тушмай келган «Ўлиб егунча - бўлиб е», «Ҳамжиҳатлик - давлат», «Қўллашиб кўтарган юк енгил», «Молингга суянма, орингга суян», «Илинганга илик тут» каби мақоллар инсонларни ўзаро тинч-тотув, ҳамкорлик, бирликда меҳнат қилишлари, яшашлари, бунёд этишларига ундовчи жанговар даъват, шиорлар ҳозирги ёруғ кунларимизда ҳам ўз ҳовурини йўқотгани йўқ. Агар таъбир жоиз бўлса мақоллар бу - халқ сўзи, миллат овози. У шунинг учун ҳам қудратлики, қандай тузум бўлишидан қатъи назар, миллатимиз дилидан, тилидан тушмай, авлод-аждодларимиз маънавиятидан мустаҳкам ўрин олиб келди. Шу боис ҳам мустабид тузум «доҳий»лари халқимизни мустамлака занжирларига қаттиқроқ боғлаш учун унинг маданиятидан, маънавиятидан мосуво қилмоқ пайида бўлган эдилар. Шу муносабат билан бир воқеа ёдга тушади. Уни Янгийўл туманилик ўша даврнинг энг обрўли кишиларидан бири сўзлаб берганди. Унинг таъкидлашича, республика ком. фирқаси Марказқўмининг бюроларидан бирида «Дўппи масаласи» муҳокама қилиниб, у - диний расм-русумларда кийиладиган одат белгиси, яъни эскилик сарқити сифатида қораланган...

Мустабид тузумнинг юқоридагига ўхшаш ғаламис ниятлари, ўйинлари бисёр эди. Мақсад битта, у ҳам бўлса - миллий ғурурни, фахрни синдириш, илдизи минг йилликларга бориб тақаладиган маънавиятимиз томирларига болта уриш ва шу тариқа халқимизни мутеликка гирифтор қилиш эди.

Бахтимизга яхшиямки, Ислом Каримовдек добюрак, инсонпарвар, юртпарвар Йўлбошчимиз бор экан. У биринчи бўлиб, мустақиллигимиз пойдеворига ғишт қўяр экан, «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумэътироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик» - деди.

Истиқлолга эришганимиздан кейин қабул қилинган Миллий мафкура, кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ҳам ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари тараннум этилгани ҳуқуқий демократик давлат сари бораётган ҳукуматимиз сиёсатининг нақадар халқчиллиги, бинобарин, бу сиёсат фуқароларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, маърифий, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кўзда тутганлигининг яққол исботидир.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ҳушёрликка даъват» китобида шундай дейди: «Кўп нарса албатта, инсоннинг ўзи ва унинг тарбиясига боғлиқ. Аммо бир ҳақиқатни чуқур англаб олиш даркор: ҳар бир одам, оила, қолаверса, бутун эл-юртимизнинг бахту-саодати, жамиятимизнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан одамзот таяниб яшайдиган ғоя ва маслакнинг қанчалик тўғри ва инсонийлигига, бу эътиқод унинг оиласи, фарзандлари, халқнинг эзгу мақсадларига, ҳаётий манфаатларига нечоғли мос келишига узвий боғлиқдир».

Дарҳақиқат, одамлар таяниб яшайдиган истиқлол ғояларидан маънавий озиқа олиб, жамият ҳаётида ўзидан маълум из қолдириб яшаётган иймонли, эътиқодли инсонлар орамизда кўп. Бундайларга Юнусобод туманидаги «1-Отчопар» маҳалласида яшаган, олий маълумотли Суннатилла Абдусалимов фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. У қисқа муддат ичида тадбиркорлик билан шуғулланган бўлса-да, лекин ўнлаб кишиларга ўзининг одамийлик хислатларини кўрсатишга улгурган эди.

Мазкур тумандаги 21-Меҳрибонлик уйи раҳбари Ю.Борвиновнинг таъкидлашича, ҳар байрамда С.Абдусалимов даромадининг бир қисмидан тарбияланувчиларга дастурхон ёзган, зарур бўлган жиҳозларни тортиқ қилган ва ҳамиша кўнгли кемтик болалар аҳволидан хабар олиб турган.

Бундан ташқари, у моддий ночор қўни-қўшнилари, қариндош-уруғларидан ҳам беминнат ёрдамини аямаган. Афсуски, бахтсиз ҳодиса уни, умр йўлдоши ва фарзандини фоний дунёдаги ризқ-насибасидан маҳрум этди. Унинг одамийлиги, кишиларга кўрсатган меҳр-оқибати, саховати ҳали-ҳануз оғиздан тушмайди. Чунки, эзгу ишлари билан ўзидан яхши от қолдирди. Мустақиллик арафасида унга ўхшаган ҳамюртларимизнинг номларини эслаш, руҳларини шод этиш инсоний бурчимиздир.

Ёки Қизилтепа чўллари бағридаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудида фермер хўжалигини ташкил этган, том маънода фидойи инсон Исроилжон Мўминов фаолиятидан бир лавҳани мисолга келтириш мумкин. Тирмашган тоққа чиқари деганларидек, у қисқа вақт ичида чорва моллар сотиб олди. Боғ ташкил қилди. Ариқ-зовурлар ёқасига ярим миллион туп терак экди. Сунъий кўлда балиқ боқди. Ўрдак-ғозни кўпайтирди. Йўлларни асфальт қилди. Электр симларни тортиб келди. Тикувчилик цехи очди. Ишсизларни иш билан таъминлаяпти. Боғчалар учун тикилаётган чойшаб, ғилофларни баҳосидан юз сўм ўтиб бермоқда. Саломатлик масканларига ҳам шундай ёрдам бераётир. Шу пайтгача 300 минг сўмликка яқин маҳсулотлар бепул берилди. Унинг кўмагидан ўнта кам даромадли хонадон баҳраманд бўлмоқда.

Бор бўлса «йўқман» демайдиган, борини одамлар билан бўлишадиган, уларнинг дардини ўзиники ҳисоблайдиган, йўл берганга қўл берадиган бундай инсонлар кўнгли қуёшдек ёруғ бўлгани туфайли ҳам улар қалби кўзларидан аввал кўради, ҳис қилади. Бундай покиза, ориятли, одамлар дардига малҳам бўлаётганлар юртимиз фахридир!

**Абдунаби МАННОПОВ.**

## МАНФААТДОР ШЕРИК ВА ҲАМКОР БЎЛИШ - ДАВР ТАЛАБИ

Марказий банкда республика банк тизимининг жорий йилнинг биринчи ярмидаги иш фаолияти якунлари ҳамда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган кенгайтирилган бошқарув мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий банк раиси Ф.Муллажонов бошқарди.

Таъкидлангандек, Юртбошимиз ўз маърузасида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш - бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг энг устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида қайд этиб, бу борадаги мавжуд камчилик ва муаммоларни очиқ-ойдин кўрсатиб берди.

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес соҳасини ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий асос яратилган. Хусусан, мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган. Ушбу ҳужжатлар асосида тадбиркорларга кўплаб имтиёзлар берилмоқда. Бу борада Марказий банк томонидан ҳам муайян меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган ва ижро учун барча банкларга етказиб берилган.

Марказий банк ташаббуси билан жорий йилнинг май-июл ойларида Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда тадбиркорлар ва банк ходимлари иштирокида амалий семинар-кенгашлар ташкил этилди.

Бундан ташқари, Марказий банкда ва унинг Бош бошқармаларида тадбиркорлар билан ишлаш бўйича махсус бошқармалар ташкил этилди. Айни пайтда Марказий банкда ва барча ҳудудий бош бошқармаларда ҳамда республика тижорат банкларида «Ишонч телефонлари» ишлаб турибди. Эндиликда тадбиркорлар ҳар қандай масала бўйича банкларга мурожаат қилишлари, улардан маслаҳат ёки зарур ёрдам олишлари мумкин.

Мажлисда барча банклар раҳбарлари келгусида тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш борасида муаммо ва тўсиқлар юзага келадиган бўлса, айбдорларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган қатъий жазо чоралари кўрилиши ҳақида қатъий огоҳлантирилди.

Галдаги асосий вазифа камчилик ва муаммоларни тўлиқ бартараф этиш, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида қўйилаётган талабларни бажаришга жиддий киришиш, эл-юрт фаровонлиги йўлида ёниб яшашдан иборатдир. Шундай талабларга жавоб беролмайдиган банк раҳбарлари иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга тўсиқ бўлмаслиги лозим. Тадбиркорларга манфаатдор шерик ва ҳамкор бўлиши зарур.

Мажлисда Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТОРТИҚ

Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур талаблари асосида умумтаълим мактабларида ўқитиладиган фанларнинг янги дастурлари яратилди. Ана шу дастурлар янги дарслик ва ўқув қўлланмаларининг юзага келишида муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг Республика Таълим маркази томонидан яратилаётган адабиётлар орасида ўзбек адабиётини ўқитишга қаратилган дарслик ва қўлланмалар ҳам бор. Яқинда нашрдан чиққан 10-синф учун « Ўзбек адабиёти « дарслиги ҳам янги ўқув йили олдидан ўқувчиларга яхши совға бўлди. Адабиётшунос олимлар Б. Қосимов ҳамда Н. Жумахўжаев муаллифлигида яратилган бу дарслик барча адабиёт ихлосмандлари учун ҳам асосий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Адабиёт дарсликлари учун ўқув қўлланмаларидан ҳам бир нечтаси босма юзини кўрди. Шу ўринда « Ўзбек адабиётидан тест-синов топшириқлари» қўлланмасини кўрсатиб ўтиш мумкин. Жумладан, 9 - синф учун тузилган тестлар илк адабий ёдгорликлардан бошлаб XV аср адабиётигача бўлган мавзулар асосида тайёрланди.

« Алпомиш » достонининг матнини ўрганиш методикаси» номли қўлланмада эса ушбу достонни мактабда ўрганиш бўйича дарс ишланмаси ёритилди.

## ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА

Навоий кон металлургия комбинатига қарашли «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида «Навоийпожмашина» Ўзбекистон - Украина қўшма корхонаси ишга тушди. Ёнғинга қарши машиналар йиғиладиган мазкур корхонада ҳозирдаёқ дастлабки иккита ана шундай машина тайёрланди. Бутлаш қисмлари Украинадан келтирилди.

Шу тариқа нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Ўрта Осиёда ягона ўт ўчириш техникаси ишлаб чиқарадиган илк корхона бунёд этилди. Натижада мамлакатимизнинг ана шундай машиналарга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш имконияти яратилди. Ваҳоланки, бундай техника ҳозирга қадар валюта ҳисобига хориждан келтирилар эди.

*Истиқлол нашидаси*

**Сурхондарёдаги энг йирик иншоотлар Сариосиёда бунёд этилаётир. Айниқса, «Тўпаланг» сув омбори ва энг катта гидроэлектрстанция қурилишида ишлар жадал олиб борилмоқда. Омборда 100 миллион куб метр сув тўпланиши белгиланган. ГЭСнинг йириклигини шундан ҳам англаш мумкинки, у соатига 175 минг киловатт электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу ерда ишлар кўлами қанчалик кенглигини станцияда шу пайтгача 380 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилганлигидан ҳам билиш мумкин.**

## ҚИШЛОҚЛАРДА ШАҲАР ЧИРОЙИ

Умуман олганда, Сариосиёни улкан қурилиш майдонига қиёс қилиш мумкин. Шўро даврида кўримсиз ҳолга тушиб қолган туман ва бир қатор хўжаликлар марказлари, қишлоқлар чирой очмоқда, бунинг учун барча имкониятлар ишга солинаётир.

Кейинги йиллардагина нефт маҳсулотлари корхонаси, дон қабул қилиш пункти, «Пахта» банки, электр алоқаси, почта ва матбуот тарқатиш идораси ташкилоти бинолари қурилиб, ишга туширилди. Пахта тозалаш заводи ҳам кейинги йилларда қад ростлаган корхоналардан биридир.

Авваллари олис тоғ қишлоғи Газаракда тузукроқ тиббий хизмат кўрсатувчи муассаса йўқлиги кўпчиликни қийнар эди. Эндиликда бу ерда қишлоқ врачлик пункти ишга тушганлиги меҳнаткашларни хурсанд қилаётир. Бундан ташқари Ҳисорак қишлоғида янги мактаб биноси битказилди. Бобур номли жамоа хўжалигида ҳадемай врачлик пункти қад ростлайди. 4-механизациялашган кўчма жамламанинг фидойи бинокорлари бу ишда ғайрат кўрсатишяпти. Ана шу объектда 12 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари уддаланиши режалаштирилган.

Туман марказида қурилиши жадал олиб борилаётган гузар замонавий архитектура талаблари асосида бунёд этилаётир. Объект ишга тушгач, аҳоли сартарошхона, оёқ кийимлари ва телевизор таъмирлаш устахоналари хизматидан баҳраманд бўла бошлайди. Жами бўлиб 35 миллион сўмлик юмуш бажариладиган бу қурилиш объектида 273-механизациялашган кўчма жамлама фидокорлари зўр ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар.

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш учун мақтовга сазовор ишлар қилинаётир. Тумандаги айрим эскирган, ночор ўқув муассасалари бинолари ўрнида бежирим, гўзал иморатлар қад ростлайдиган бўлди. 4-кўчма жамламанинг қўли гул усталари ғайрати туфайли эски бино қайта «туғиляпти». Деярли харобага айланиб қолган иморатларнинг кейинги ойлардаги кўриниши кўзни қувонтиради.

Бундан ташқари саноат коллежи қурилиши суръати тезлашяпти. Энг муҳими, 281-, 273-кўчма жамламалардан келиб ишлаётган ўнлаб қурувчилар асосий эътиборни сифатга қаратмоқдалар.

- Олдинги йилларда туман марказида савдо ва маиший хизмат нуқталари камлиги меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди - дейди туман ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Қосимжон Холдоров объектлардаги ишлар билан таништирар экан. - Шуни ҳисобга олиб ўнлаб маиший хизмат кўрсатувчи нуқталар қурилишини бошлаб юбордик. Энг асосийси, аҳолига савдо ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш билан машғул бўладиган бу нуқталар қурилиши ҳашар асосида амалга ошириляпти.

Спорт иншоотлари етишмаслиги ёшларга қийинчиликлар туғдирар эди. Эндиликда стадион қурилиши ниҳоятда авж олдириб юборилди. Бу ерда сузиш бассейни, футбол майдончаси, шахмат-шашка хонаси ва бошқа спорт мусобақалари ўтказиш учун қулайликлар яратилиши мўлжалланган.

Туманда жадал олиб борилаётган қурилиш ишларида 5-очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бинокорларининг улуши катта бўлаётир. Негаки, бу корхона ишчилари қурувчиларни ўз вақтида темир-бетон буюмлари билан таъминлаб турибди.

Ёшлар келажагимиз. Бугун улар учун сарфланган бир сўм ҳадемай ўн ва юз сўмларни етаклаб келиши мумкин. Қолаверса, ватанпарварлик ва фидойилик туйғулари кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликдан озиқа олади. Сариосиёда буни яхши англашади. Зеро, бу ерда ёшлар учун янги иш жойлари ташкил этиш эътибордан четда қолмаётир. «ГЭХА» фирмаси қошида Австрия технологияси асосида пиво ишлаб чиқариш цехи қурилган эди. Бу йил маҳсулотни идишга қадоқлаш ва яна ўттизта иш жойи вужудга келтириш чоралари кўрилаётир.

Булар тоғликларнинг кўнглини тоғдек кўтариб юборяпти. Уларнинг она Юртга, Ватанга меҳри янаям ошиб, ўз меҳнати самарасидан баҳраманд бўлаётганликлари ҳар бир кишига яхши кайфият бахш этаётир.

Истиқлолнинг 8 йиллиги байрами тобора яқинлашаётган айни кунларда туманда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш янги поғонага кўтарилаётганлиги кишини қувонтиради.

**Жовли ХУШБОҚОВ,**
**журналист.**



## ИШ УНУМИ ТАДБИРКОРЛИКДА

Чуст туман матлубот савдо ҳиссадорлик агрофирмаси жамоаси қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш билан бир қаторда, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди. Хусусан, улар қандолатчилик, нон маҳсулотлари ва уй-рўзғор буюмларини тайёрлаш каби ишларни амалга оширяптилар. Бу эса туман қишлоқ аҳолисига қулайлик яратди. Айниқса, агрофирманинг зардўзлик цехида ишлаб чиқарилаётган келин- куёвлар либосларига харидорлар талаби катта бўлаяпти.

Шуни таъкидлаш керакки, агрофирма савдо ходимларининг шу олти ой ичида халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш кўрсаткичи, режадаги 18782 минг ўрнига, 21575 минг сўмни ташкил этди.

Агрофирма раҳбари Муроджон Ашуровнинг таъкидлашича, ўтган йили асосий эътибор соҳаларни кенгайтириш ва янги иш жойларини ташкил этишга қаратилди. Бу саъй - ҳаракатлар натижасида янги 38 та иш ўрни яратилди. Жорий йилдан бошлаб 21 та янги ишлаб чиқариш цехлари ва дўконлар ишга туширилди. Айни пайтда жамоада 350 нафар ходим хизмат қилмоқда.

**Суратда: тикувчилик цехида.**
**Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

*Касаба уюшма ҳаёти*

**Бугун биз шуни очиқ тан олишимиз мумкинки, касаба уюшмалари мустақиллик йилларидагина ҳақиқий халқ ташкилотига айланди. «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, қолаверса, Асосий Қомусимиз - Конституциянинг 34-, 56-моддаларида касаба уюшмалари давлат ҳокимияти органларидан кейин иккинчи ўринда эканлигининг қайд этилиши бу жамоат ташкилотининг чиндан-да жамиятимизда муҳим ўрин тутишидан далолат беради.**

## ИМТИЁЗ

- Демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамиятини барпо этар эканмиз, давлатимиз айрим ваколатларини жамоат ташкилотларига ишониб топшираётганлигини кўрамиз, - дейди фикримизни тасдиқлаб касаба уюшмалари Сирдарё вилоят кенгашининг раиси Насирхон Асқаров. - Масалан, давлат меҳнаткашларни, уларнинг фарзандларини соғломлаштириш вазифасини касаба уюшмаларига бериб қўйди. Шу боис ижтимоий суғурта маблағлари меҳнаткаш халқни соғломлаштиришга ва болаларни дам олдиришга сарфланаяпти. Бошқача қилиб айтганда, меҳнаткашларимиздан ушлаб қолинаётган ижтимоий суғурта бадаллари уларни сиҳатгоҳларда ва профилакторийларда соғломлаштириш йўли билан ўзларига қайтарилмоқда.

Дарҳақиқат, касаба уюшмалари - меҳнаткаш халқ ташкилоти, у фақат меҳнаткашлар учун яшайди ва уларнинг манфаатларига хизмат қилади. Буни вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмалари вилоят кенгаши ўртасида тузиладиган битимда ҳам, шунингдек, қуйи ташкилотлардаги жамоат ташкилотлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Мақсад - ҳар қандай ҳолатда ҳам меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, халқ фаровонлигини юксалтиришга ҳисса қўшиш. Ушбу битим ва шартномаларнинг натижаси ўлароқ, шу кунгача вилоятда 720 киши имтиёзли йўлланмалар билан санаторийлар ва санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилдилар. «Сирдарётелеком», «Гулистон экстракт-ёғ» ҳиссадорлик жамиятларида, Боёвут, Сайхунобод, Сирдарё туманлари таълим муассасаларида ходимларга қўшимча имтиёзлар берилаяпти. Овқатланиш харажатлари корхоналар ҳисобидан қопланяпти. Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун маблағ ажратилаётир. Серфарзанд, кам таъминланган оилалар, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Аёллар йили муносабати билан вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳам тахсинга лойиқ. Масалан, «Иссиқлик манбаи» корхонасида, алоқа ва почта, савдо соҳаларида жума кунлари иш вақти 1 соатга қисқартирилган. Газлаштириш корхоналарида аёлларнинг туғилган кунларида уларга 3 минг сўмдан мукофот пули берилиши йўлга қўйилган. Алоқа тизимида 2 ёшдан 3 ёшгача болаларни тарбиялаш билан банд бўлган оналарга ҳар ойда иш ҳақининг энг кам миқдорида моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Гулистон пахта тозалаш заводида ҳомиладорликнинг тўртинчи, Оқолтин тумани хўжаликларида эса олтинчи ойидан бошлаб ҳомиладорлик таътиллари берилаётир.

Онанинг кўнгли болада, деган нақл бор халқимизда. Ишда ҳам, уйда ҳам, сафарда ҳам биринчи навбатда у фарзандини ўйлайди. Ҳозир қаерда юрибди, шўхлик қилиб эт-бетини тирнаб олмадими, ўз вақтида овқатландими, дея ташвишга тушади. Ёз эса айни соғломлаштириш фасли. Шуларни инобатга олиб, катта таътилни мазмунли ўтказиш учун касаба уюшмалари жонбозлик кўрсатдилар. Ҳокимликлар ва хўжаликлар билан ҳамкорликда шаҳардан ташқаридаги болалар оромгоҳлари мавсумга пухта тайёрланди. Бунинг натижаси ўлароқ меҳнаткашларнинг 7800 нафар фарзанди янги ўқув йилига соғлом ва бардам ҳолда борадиган бўлдилар. Мактаблар қошидаги оромгоҳлар, шунингдек, «Меҳнат ва роҳат» оромгоҳлари ҳам бугунги кунда болаларнинг қувноқ куй-қўшиқларидан файзу-тароват касб этган.

- Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас, — дейди биз билан суҳбатда касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси. - Мен биринчи навбатда корхона ва ташкилотларда меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассислар лавозими қисқартирилганлигини назарда тутяпман. Агар бу соҳадаги аввалги ва ҳозирги давр кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, ғалати бир ҳолатга дуч келамиз. Илгари мутахассислар кўп эди, лекин улар ўз вазифасига масъулиятсиз қарагани учун бахтсиз ҳодисалар камаймас эди. Ҳозир эса, бозор иқтисодиёти шароитида, корхоналар ўз фаолиятини мустақил ҳал қилаётган бир пайтда, фаолият кўрсатаётган мутахассислар камайган бўлса-да, уларнинг масъулияти бир неча бор ортди, бироқ баъзан миқдор ҳам муҳим рол ўйнайди: ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар олдини олишга улгуриб бўлмаяпти.

Бизни кўпроқ ташвишга солаётган ҳолат шуки, инсон ҳаёти, тақдири учун ўта муҳим бу масалага бир қатор иш берувчилар ҳам лоқайдлик билан қараётирлар. Фақат ўтган йилнинг ўзида 38 та бахтсиз ҳодиса содир этилгани, улардан 9 таси ўлим билан тугагани барчамизни ҳушёр торттириши керак. Шулардан 5 таси деҳқончилик саноати мажмуига тўғри келади. Сабаби, бу соҳа вилоят бошқармасида 3 нафар мутахассисдан иборат меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими тугатилганлигидир.

Келажак бугундан бошланади, деган ибора бор. Чиндан ҳам пойдевори мустаҳкам бўлган иморат ҳадемай бўй-бастини кўрсатишига ва фақат эзгуликка, меҳнаткашлар фаровонлигига, истиқлол равнақига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

**Нурулла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

